

ARTICLE INFO

Received: 01st July 2021
Accepted: 05th July 2021
Online: 07th July 2021

KEY WORDS

Perspective, landscape composition, relief, symmetry, asymmetry, accent, nuance.

THE PLACE OF LANDSCAPE PROFESSIONAL COMPOSITIONS IN URBAN PLANNING

Davlatov Ikrom Shavxidovich¹, Abdullayev Umid²

¹ SamDAKI Senior teacher, ² SamDAKI Master

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5082658>

ABSTRACT

Landscape compositions are an urgent need for architects and builders in the era of innovative development. With this in mind, this article draws the attention of those involved in landscape projects to some scientific considerations based on both historical and contemporary traditions.

ЛАНДШАФТЛИ ЛОЙИҲАДА ОБОДОНЛАШТИРИШ КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИҚДА ТУТГАН ҶУРНИ

Давлатов Икром Шавхидинович¹, Абдуллаев Умид²

¹ СамДАКИ Катта ўқитувчиси, ² СамДАКИ Магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-iyul 2021
Ma'qullandi: 05-iyul 2021
Chop etildi: 07-iyul 2021

KALIT SO'ZLAR

Перспектива, ландшафт композициялари, рельеф, симметрия, асимметрия, акцент, нюанс.

ANNOTATSIYA

Ободонлаштириш композициялари ҳозирга инновацион ривожланиш давридаги архитектор – қурувчилар олдида қўйилган замоннинг долзарб талабидир. Шунинг эътиборига олиб мазкур мақолада ландшафтли лойиҳалар билан шуғулланувчилар диққатига баъзи бир ҳам тарихий, ҳам замонга хос анъаналар асосида пайдо бўлган илмий мулоҳазалар ёритилган.

Кириш

Биламизки яшаш шароитининг табиатга мос гўзаллиги ландшафт композицияларида ўз ифодасини топади.

Шаҳарсозлик композицияси деганда архитектуравий композициянинг махсус бўлаги тушунилади, унда қаралаётган этикагина йирик майдоннинг айтергач ва табиий шакллари ўртасидаги фазовий

боғлиқликнинг бадиий ифодаси бўлиб мужассамланади.

Архитектуравий ландшафтда композициянинг асосий вазифаси деб очиқ осмон остида рельефлар, яшил экинзорлар, сув ҳавзалари ва ирмоқлар, кичик кичик архитектуравий шакллар ва ободонлаштириш элементларининг биргаликдаги умумийлашувига айтилади.



Композиция деганда, кўпинча фазо ва ундаги ташкил этувчиларни шундай фаоллик асосидаги архитектуравий шаклига айтилади. Лекин кўп ҳолларда композиция шаҳарсозликда қўлланилгани учун ҳам унга оид барча фикрлар “Шаҳарсозлик”ка қаратилган деб тушинилади.

Инсон тасаввур доирасининг психофизиологик қонуниятларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, фазо ва шакл композициясининг категорияси : симметрия ва асимметрия, нъюанс ва кантраст, ритм каби ифодаларнинг майда ва бутун элементлардаги мужассамлашувидир.

Кўркамлилиқ ва хослилиқ (гармония) архитектуравий шаклда (баъзан фазода) асосан масштаб катталигига боғлиқ бўлиб, назарий тасаввурда инсон ўлчамига нисбатан айтилади.

Ўсимлик турларини танлаш, уларни гуруҳлаш, релъеф пластикаси ва сувли декорация сифатида қўллаш, бу бадий ифода бўлиб, архитектуравий композицияга яқин омил ҳисобланади.

Методлар ва усуллар

Одатда ландшафт композициялари қуйидаги омилларни ўз ичига олади.:


1.Перспектива – бу нафақат уч ўлчамли текисликдаги фазовий шакл ифодаси, балким ўзига хос бир кўриниш, яъни табиатнинг олис бир нуқтадан кузатилаётган кўриниши, ёки бўлмаса олис масофадан қаралаётган объектлар мажмуасидир.

Ландшафтли композицияда кенг масштабли кўринишлар кўпроқ учрайди ва уларни “панорама” деб атаб, эркин кузатилаётган табиатининг бир бўлаги деб қаралади.

Яшил ўсимлик тасаввурлари билан чегараланган ҳар қандай перспектива ва пейзаж кўринишлари тасаввурини ландшафтнинг асосий элементларига қаратади. Бунда ўз ўзидан иккита – чизиқли ва фазовий перспектива ҳосил бўлади. Леонардо До Винчо айтганидек “рангли перспектива” нинг асосий мағзи унинг кузатилгандек бир хил фигураларнинг кучайтириб бериш, фигура чизиқларининг хиралашуви ва рангларнинг йўқола боришидадир [1-3].

Перспективанинг фазовий белгиларига қаралаётган объектнинг деталлари ва релъеф ҳолатлари киради. Бу ҳақида таниқли ландшафт архитектори С.Н. Полентреер ёзган эди: фазонинг ранги хавонинг зичлигига боғлиқ бўлиб, ҳаво қанча булутли бўлса перспектива тўқ рангда, ҳаво қанча очиқ бўлса перспектива оч рангда кўринади, шундан келиб чиқиб, архитектуранинг “зангори чексизлик”- деган термини дунёга келган [4].

Қуйидаги расмда парк перспективасининг турлари келтирилган бўлиб, майда (50-100), ўрта (100-500) ва йирик (500м.дан ортиқ) перспективалари ифодаланган. (1-расм)



1-расм

Нисбатан кичикроқ бўлган майдонларда ҳам парк ва шунга ўхшаш дам олиш ёки ҳордиқ чиқариш учун лойиҳалашга Хитой ва Япония архитекторлари жуда уста бўлишган [5]. Паркли перспектива учун диққатни мослашда майдондаги яшил зоналар

ёки архитектуравий рамка ёки кулислар катта рол ўйнайди.

Натижалар бўлими

Кулис- бу очиқ фазода қаралаётган бир тўда дарахтлар ёки бўлмаса аниқ бир чегарага эга бўлган массивдир.



2-расм

Лойиҳаланаётган ҳар қандай паркли перспектива учун яна бир муҳим омил – йил фасллари ҳам аҳамият касб этади. Ушбу расмда (2-расм) ҳар хил омиллардан ташкил топган архитектуравий кўриниш ифодаланган:

А)Релъеф омилида;

Б)Сув омилида;

В)Яшил ўсимликлар омилида;

Г)Архитектуравий иншоотлар омилида.

Паркли перспективанинг яратилишида қуйидаги терминлар кенг қўлланилади:



1. Кўриниш нуқтаси (кузатув нуқтаси)-парк майдонидаги энг яхши кўзга ташланадиган майдон ёки объект.
2. Контраст –бадий ифода номи бўлиб, бир-бирига кескин қарама-қарши белгилари, ранги , ҳажми ёки бошқа элементлари билан фарқланишига айтилади.
3. Акцент –компазиция ифодаси бўлиб, қаралаётган объектдаги кичик бир элементга нисбатан архитектуравий тактга айтилади.
4. Тектоника –тузилаётган лойиҳавий қонуният асосидаги бадий ифодага айтилади (маълум дарахт тури, ҳар қандай табиий компонент)
5. Ранг –(колор)-кўриниш
6. Тон ранглиликнинг характеристикаси
7. Колорит –пейзаж ранглигининг тон ва ранг бўйича нисбати
Ландшафтли лойиҳалашда дарахт- бутали яшил майдончалар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор қуйидаги оғмилларга қаратилмоғи лозим:
 1. Дарахтларнинг шакли ва баландлиги бўйича:
 - а) 25м ва ортиқ (сосна ва лиственница
 - б) 15-25м гача-(топол, вяз, ел
 - в) 10-15м гача – оқ акация, рябина, черемуха, наматак.
 2. Дарахтларнинг шакли ва силуети бўйича:
 - а) аниқ шаклдаги –пирамида шаклда (ел,пихта, берлин тераги)
 - б) сферик ёки ёйилган шатр шаклдаги (каштан, дуб,ёнғоқ, клен)
Худди шундай бутоқли дарахтлар ҳам шакли, силуэти, баргининг ранги , шоҳланиши ва мевалари билан фарқланади.
Бутасифатлар ҳам ўз навбатида уч хилга бўлинади:
 1. Баланд буталар-3м ва баланд (сирен, бояришик, спелиния, ва бошқалар)
 2. Ўрта бўйли буталар -1.5-3м гача (қишмевали қизил мажжевилъник)
 3. Паст бўйли буталар -1.5 м дан паст.(япон айваси , гунбергер ва ҳоказо).
Одатда баланд бўйли бутасифат дарахтлардан кўриниши ёқимсизроқ паркли персрективаларни кўздан яширишда қўлланилади.
Бундан ташқари яшил майдонларни лойиҳалашда таркиби жиҳатдан бир хил ёки аралаш бўлган дарахтлар ҳам ўтказилади [6]. Улар тартиби бўйича қуйидагича бўлиши мумкин:
 1. Бир жинсли(дарахтли, дарахт- бутоқли бутоқли)
 2. Турли жинсли (кичик майдонда (2-3 дарахт)(ўрта майдонда -4-7 дарахт), ва(кенг майдонда -10-12 дарахт).



Агар ўтказилаётган дарахтлар ёки бутоқлар - 18-20дан ортиб кетса бундай майдонга “массив” –дейлади ва улар фазовий жиҳатдан учга бўлинади:

1. Очиқ майдонларда:
2. Ярим очиқ майдонларда:
3. Ёпиқ майдонларда:

Ўсиш тезлиги бўйича дарахт ва бутоқлар қуйидагига бўлади.

А) ўта тез ўсувчи 1-йилда 2 м гача (эвкалипт, терак, берёза, акация, бузина, чубушник)

Б) тез ўсувчи 1 йилда 1м гача (ясен, платон, вяз, лиственница, ел, лоҳ, клен, калина)

В) суст ўсувчи -1йилда 0.2 м гача (нок, олма, кедр, облепиха, игра, бирючина)

Улар кўриниши бўйича ҳам дарахт ва бутоқлар сифатида қуйидагича бўлинади:

А) ўта узоқ яшовчилар - 500й ортиқ (бутоқлар - 100й дан ортиқ)

Б) узоқ яшовчилар -200-500 гача (бутоқлар -100й гача)

В) ўртача яшовчилар 100-200 гача (бутоқлар -50й гача)

Г) кам яшовчилар -50 й гача (бутоқлар -25й гача)

Ҳозирги замон архитектурасида қаторли ва тик йўналишдаги бутасифат яшил ўсимликлар билан майдончаларни ободонлаштириш лойиҳалари кенг тарқалмоқда. Айниқса Европа, Украина ва Болтиқ бўйи давлатларида тик йўналишда ўсувчи яшил бутоқларни ўстириш замонавий тус олган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.[1] ГО—НАЧАЛА, С. С. К. Х., ТЕМЫ, И., & ПЛАСТИКА, С. И. (2005). Ландшафтная архитектура и дизайн.
- 2.[2] Шиканян, Т. (2017). Ландшафтный дизайн. Своими руками—от проекта до воплощения. Litres.
- 3.[3] Сорокина, Н. Н. (2019). Эколого-экономические проблемы использования и охраны земель на ландшафтной основе. In ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОЙ АГРАРНОЙ НАУКИ (pp. 61-63).
- 4.[4] Kuziev, A. U., & Muratov, A. K. (2021). Application Of Logistical Principles In The Development Of Directions In The Region. The American Journal of Engineering and Technology, 3(05), 143-149.
- 5.[5] Кузиев, А. У., & Муратов, А. Х. (2020). Развитие и эффективное использование региональных сетей мультимодальных перевозок.



6.[6] Гагай, Н. О., & Поспелова, О. А. (2013). Инновационно ориентированные проекты в ландшафтной архитектуре. In Физико-технические проблемы создания новых технологий в агропромышленном комплексе (pp. 200-203).